

ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ МЕРОСИ

ЭГАМОВ АБДУМАЛИК АДИБАМОВИЧ

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири, Исломишунослик
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).
abdumalikegamov79@gmail.com*

Annotation: Uzbek scientists have done a lot of work in all areas of Islamic Science. In our country, along with Hadith, aqidah, Islamic Fiqh, tafsir and other fields, the science of mysticism has developed. This article provides information about the great muhaddis scientist of our country, Hakim at-Termiziy, his life, scientific m'rosi and interpretation of philosophy.

Keywords: Quran, tafsir, Hadith, Creed, fiqh, Sufism, history, mufassir, philosophy, tavi, sura, verse.

Ҳаким Ат-Термизий таваллуд топган сана хусусида ҳам ёзилган манбалар ва адабиётларда турли йиллар келтирилган. Одатда, ўрта асрларга оид ёзма манбаларда аксар ҳолларда муаллифнинг вафот этган йили кўрсатилиб, таваллуд этган санаси келтирилмайди. Жумладан, таникли олим Ҳожи Халифа ўзининг "Кашф уз-зунун" номли машхур асарининг бир неча ўринларида ал-Ҳаким ат-Термизий вафотини хижрий 255 (мелодий 869) йил деб кўрсатган. Шунингдек, алломанинг Термиз шаҳри яқинида жойлашган макбараси устида ўрнатилган қабртошдаги битикларда ҳам унинг ҳаёти ҳақида баъзи маълумотлар келтирилиб, вафот этган санаси хижрий 255 (мелодий 869) деб ёзилган[1]. Бошқа баъзи манбаларда ҳам унинг мазкур санада вафот этганлиги қайд этилади. Айни вақтда баъзи замонавий тадқиқот таваллуди ва вафоти ҳақида батамом бошқа саналарни кўрсатганлар. Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг ҳаёти ва унинг таълимотини чуқур ўрганган мисрлик таникли олим Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака ал-Ҳаким ат-Термизийни хижрий 205 (мелодий 820) йилда Термиз шаҳрида таваллуд топиб, узок умр кўриб, хижрий 320 (мелодий 932) йилда 112 ёшида вафот этганлиги ҳақида ёзади. Унинг макбараси Термиз шаҳрининг яқинида Амударё бўйида жойлашган.

Ал-Ҳаким ат-Термизийнинг болалик ва ёшлик йиллари ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар учратмадик. Унинг ота-онаси ҳақидаги баъзи хабарлардан маълум бўлишича, унинг отаси Али ибн ал-Ҳасан ўз даврида ҳадис илмининг кўзга кўринган олимларидан бири сифатида машхур бўлган. Араб тарихчиси ал-Хатиб ал-Бағдодий ўзининг машхур "Тарихи Бағдод" ("Бағдод тарихи") номли асарида ёзишича, у мусулмон оламининг энг йирик марказларидан саналган

Бағдод шаҳрида бўлиб, ўша даврнинг машҳур олиму уламолари билан ҳадис илмининг турли масалалари бўйича қизғин баҳс ва мунозараларда иштирок этган. Ал-Ҳаким ат-Термизий ўзининг автобиографик рисоласи "Бадъу шаъни Абу Абдуллох" ва "Ар- Радд аълол-муаттила" каби асарларида ёзишича, унинг онаси ва бобоси ҳам ўз даврида ҳадис илмининг етук билимдонларидан бўлган. Бу маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ал-Ҳаким ат-Термизий илм-маърифат юксак кадрланадиган, зиёли бир хонадонда дунёга келиб, мана шу илмий-маънавий муҳитда ўсиб улғайган. Охир оқибатда мазкур омиллар таъсирида унинг маънавий дунёси ва илмий тафаккури шаклланиб, камолга етган. Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг илмий камолотида унинг отаси Али ибн ал- Ҳасаннинг хизматлари бениҳоя катта. Чунончи, у ўз фарзанди учун нафакат меҳрибон ва ғамхўр ота, балки унга нисбатан талабчан мураббий ва маърифатли устоз мақомида ҳам бўлган. Отаси вафотидан кейин ал-Ҳаким ат-Термизий ўз шаҳридаги етук олимлардан асосан тафсир, ҳадис ва фикҳ илмларидан сабоқ олади. Унинг термизлик муҳаддислар Абу Муҳаммад Солиҳ ибн Абдуллох ат-Термизийдан ҳадис илмини ўрганганлиги ҳақида манбаъларда аниқ маълумотлар келтирилган[2]. Шундан сўнгра аллома Фаридуддин ал-Атторнинг ёзишича, ёши йигирма еттига етганда ал-Ҳаким ат-Термизий икки ўртоғи билан ўша пайтда бутун Шарқда илму маърифатнинг энг йирик марказларидан бири саналган Бағдодга бориб илм олишни ният қилганда бирдан онаси бетоб бўлиб қоладива унга: "Эй ўғлим, мен бир муштипар, заифа аёл бўлсам, менга сендан бўлак бошпанох булиб ёрдам берадиган бирор кимса бўлмаса, менинг бутун борлигим факат сен билан боғлиқ бўлса. Сен мени кимга ташлаб кетмокчисан?" деб унга илтижо қилади. Волидасининг бу сўзлари ал-Ҳаким ат-Термизийга каттик таъсир қилиб, у илм талабидаги ушбу сафаридан воз кечади. Унинг икки ўртоғи эса ўз сафарларига отланиб йўлга тушади. Сўнгра, ушбу воқеадан кейин талай вақт ўтгач, ал-Ҳаким ат-Термизий Бағдодга боролмаганлиги учун гоятда афсусланиб, мақбаралардан бирининг ёнида йиглаб хафа бўлиб турганида унинг ёнида юзидан нур ёғилиб турган бир шайх пайдо бўлиб, ундан йиглашининг сабабини сурайди. Ал-Ҳаким унга юз берган воқеани бирма-бир айтиб беради. Шунда шайх: Истасанг, мен сенга ҳар куни турли илмлардан сабоқ бериб, сени ўқитаман, дейди. Ал-Ҳаким унинг бу сўзига дарҳол рози бўлади. Бу ҳол бир неча йил давом этади. Сўнгра у билса, бу киши Хизр алайҳиссалом эканлар. Унинг бу саодатли марҳаматга эришиши волидаи мушфикасининг дуоси барокотидан бўлган эди. Айни шу воқеа бошқа манбаларда бироз бошқачарок тарзда хикоя қилинади...

Бу хикоя ҳақиқатми ёки афсонавий ривоятми, қандай бўлмасин унинг оиласи ҳақида муайян даражада тасаввур беради. Чунончи, ушбу хикоядан

маълум бўлишича, у ота-онасининг якка-ю ягона фарзанди бўлган, онасининг илтижосига караганда уларнинг оиласида ал-Ҳакимдан бошқа унга бошпанох бўлиб, қарайдиган кимса бўлмаган. У ўз онасига меҳрибон, уни боқувчисиз ташлаб кетишга журъат қилмаган - оилапарвар, қанчалик илм олишга иштиёқи кучли бўлгани билан уз волидасининг сўзига қулоқ солиб, унинг дуосини олганлиги боис охир-оқибатда илм олишда ҳам ўз матлабига эришади.

Ҳаким Термизийнинг номи номаълум бўлган тафсирини мисол қилиш мумкин. Ҳаким Термизий ўз даврида моҳир муфассирлардан саналган. Унинг сақланиб қолган асарлари орасида баъзи бир оятларга берилган шарҳларни кўриш мумкин. Жумладан, унинг “Таҳсилу-н-назоири-л-Қуръон” (Қуръон ибратларини ҳосил қилиш) асарида Қуръондаги “ҳидоят”, “куфр”, “шукр”, “ҳикмат”, “ширк”, “ҳақ” каби 80 та сўзга шарҳ берилган. Манбада Қуръон сўзларининг ишорий маъноларини мўтадил тасаввуфий далиллар асосида шарҳлашга эътибор берилган[3].

Ҳаким Термизий тафсиридаги услуб уч йўналишда намоён бўлади: биринчиси, барча тафсирларда бўлгани каби оятларни зоҳирий тушуниш, иккинчиси, тасаввуфий ва учинчиси араб ҳарфларидан ишора олиш, яъни Аллоҳнинг исми ва сифатлари илмининг асли ҳарфларидир, деб қараш. Бундан келиб чиқиб, ат-Термизийнинг мазкур тафсирини Мовароуннаҳрдаги дастлабки тасаввуфий тафсирлардан, деб айтиш ҳам мумкин[4].

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, уни алоҳида тадқиқот сифатида ўрганиш билан Мовароуннаҳрдаги дастлабки тасаввуфий тафсирлар борасида маълум бир илмий ечимларни беришга ёрдам қилинган бўлади. Бу борада юртимизда тасаввуфий тафсир илмининг ривожланиш босқичларини ўрганишга катта эътибор қаратилиб, бир қанча тадқиқотлар олиб борилган.

Ҳаким Термизий нафақат, Қуръони каримдаги масаллар, балки Қуръони карим ва суннати набавиядаги кўплаб масаллар ва уларнинг чуқур маъноларини ёритиб берган. Бир суз билан айтганда, Ҳаким Термизий бу жанрда асар ёзишга тамал тошини қўйган аллома, унинг асари эса бу мавзуда ёзилган ва ёзилажак асарларга асл манба сифатида эътироф этилади.

"Ал-амсол минал китаби вас-сунна" асари ва унинг мазмуни ҳақида

Қуръон ҳадиси шарифдаги масалларни ёритишга ва бағишланган энг мўтабар қадимий китоблардан бири бу "Ал- амсол минал-китоби вас-сунна" китобидир. Қисқача "Ал- Амсол" номи билан танилган бу китоб Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизийнинг қаламига мансуб фундаментал асарлардан биридир.

Шуни ҳам Термизийнинг алоҳида қайд қилиш лозимки, Ҳаким мазкур асари ҳақида манбалардаги айрим ишораларни ҳисобга олмаганда, етарли тадқиқот амалга оширилган эмас. Фақат "Амсол" жанрида асар ёзган баъзи

муаллифлар Термизийнинг шу мавзуда асар ёзганлиги хақида қисқача қайдлар билан кифояланишган. Жумладан, устоз Маҳмуд ибн Шариф "Ал-амсал фил-Куран" номли китобида бу асарни бироз бошқача ном "Расоил ал-Ҳаким ат-Термизий" шаклда зикр қилган. Буюк муфасссир имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Ансорий Куртубий ҳам уз тафсирида ушбу китобдан иқтибослар келтирган. Лекин уни "Наводир ал-усул" деб Ҳаким Термизийнинг бошқа асари номи билан алмаштириб тилга олган.

"Ал-амсол минал-китоб вас-сунна" асари уч қисмдан иборат: 1. Қуръони каримдаги масал-ўхшатишлар; 2. Хадиси шариф ва хабарлардаги масал-ўхшатишлар; 3. Хукамо- донишмандларнинг сўзларидаги масал-ўхшатишлар. Учинчи қисмда Ҳаким Термизий аксар ҳолларда уз фалсафий мушоҳадасининг маҳсули бўлган масалларни келтирган[5].

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, муаллиф бу асарида мазкур уч қисмга оид барча масалларни қамраб олишни мақсад қилмаган. Зеро, Қуръони карим Ва хадиси шарифлардаги кўплаб масалларни келтирмагани бунинг далилидир. У зот ваъз ва ибрат, таълим ва фикҳ, ҳикмат ва дин масалаларини ўзида мужассам этган масалларини жамлашни бош мақсад қилган. Унда икки юзга яқин масаллар оят ва ҳадислар асосида баён қилинган. Ҳаким Термизий барча масаллар маъносини баён қилишда Қуръони карим ва суннат доирасидан четга чикмаган. Китобнинг учинчи қисмидан жой олган донишманд ва олимлардан нақл қилган ва ўзидан келтирган масалларни ҳам Қуръон оятлари ва суннати набавия билан қувватлагани муаллифнинг соғлом эътиқоди ва мустаҳкам иймонидан дарак беради. Муаллиф баъзи бир оятларни зоҳирий маъносини шарҳлаш асносида бир қарашда тушуниб олиш кийин услубда ирфоний қарашларини баён қилган ҳоллари ҳам кузатилади.

Асарда Қуръони карим ҳамда хадиси шарифлардаги бир неча тамсиллар алоҳида ажратиб олиниб, мисол келтиришлар ва ўхшатишлар замиридаги ҳақиқатлар содда ва раво услубда баён этилган.

АДАБИЁТ

1. Ғафуров У. Ўзбекистонда ислом таълим тизими шонли тарих, истибод зулмидан омон қолиш ва нурли истиқбол. - Тошкент. 2023. – Б. 17.
2. Исоқжонов Р. Ислом фалсафаси. – Тошкент. 2022. – Б. 149
3. Абдуллаев А. Мовароуннаҳрда Қуръон ва тафсир илмлари ривож. – Тошкент. 2019. – Б. 56.
4. Эгамов А. Нажмиддин Кубронинг Тафсир илми ривожига қўшган ҳиссаси. Исломшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент. 2022. – Б. 28.
5. Тангриев О. "Ўзбекистонда ислом дини таълими: тарихи, ривожланиши ва жамият тараққиётидаги аҳамияти" мавзусида республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Тошкент. "Renessans press". 2023. – Б. 128.